# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 25 сентябрь, № 189 (5609) Сешанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 19 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Хусусий мулк ҳуқуқи**

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**3-модда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш**

Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.

Барча мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар таъминланади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг эгалари ва тижорат сирининг эгалари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлардан фойдаланади.

**5-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги**

Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди.

**6-модда. Бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши**

Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўла ҳажмда қопланиши керак.

**7-модда. Мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги**

Мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

**2-боб. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш**

**8-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари**

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;

хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизда кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашини олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоравий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган ўз интернатига эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар тураржой, тўрт маҳал овқат, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадилар.

3. Қуйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, “Динамо” стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бепул ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

(Давоми 2-бетда).

## Истиқболли лойиҳалар – тараққиёт мезони

*Техник ва технологик янгиланишларсиз саноат ривожини таъминлаб бўлмайди. Шу боис ишлаб чиқариш тармоқларини илғор ва замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш, мавжуд қувватларни модернизация қилишга устувор вазифа сифатида қаралади. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир.*

Модернизация





Хусусан, “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти юртимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган аммиакли селитра, нитрон толалари, сирка кислотаси, метанол, хлор, унифлок, полиакриламид каби кимёвий маҳсулотлар айни пайтда экспорт қилинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида корхонада ишлаб чиқариш салмоғи 239 миллиард сўмдан ошди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 101,6 фоиз ўсишга эришилди. Бинобарин, 23,5 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

— Жамоамиз изланишдан тўхтагани йўқ, — дейди “Навоийазот” бошқарма бошлиғи Евгений Коржиков. — Модернизациялаш ишлари диққат-эътиборимизда. Ҳозир бу ерда ўн битта инвестициявий лойиҳа доирасида улкан бунёдкорлик, техник ва технологик янгилаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, лойиҳа қиймати 1 млрд. 340 млн. АҚШ долларига тенг бўлган аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуани қуриш жараёни бошланган.

(Давоми 3-бетда).

**2012 йилнинг биринчи ярмида «Навоийазот» корхонасида**

**239**

**миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

“InfoCom — 2012”

*Кеча мамлакатимизда “InfoCom — 2012” — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди.*

## Замонавий ахборот технологиялари

**интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга**

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар бўйича ахборот-таҳлилий департаменти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ўтказилмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот анжуманида мазкур ҳафталикнинг ахборот-коммуникация тизимидаги аҳамияти ва унинг доирасида ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 3-бетда).

## Тошкент – жаҳон кубоги мезбони

*22 — 23 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуаси дзюдо бўйича жаҳон кубоги баҳсларига мезбонлик қилди.*

Дзюдо

Халқаро дзюдо федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада дунёнинг 15 га яқин давлатидан қарийб 120 нафар спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Жаҳон кубогининг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистон истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов бошчилигида кўпчилик ҳавас қиладиган ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниқса, баркамол авлод тарбияси йўлида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўзига хос ноёб модель яратилгани,

(Давоми 4-бетда).

## Тадбиркорлик муҳитининг юксак самаралари

Бир рақам шарҳи

Шу йилнинг биринчи ярмида ташкил этилган янги кичик бизнес субъектларининг сони

**13** мингтага етди.

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилгани, бизнес лойиҳалари тижорат банклари томонидан имтиёзли равишда молиялаштирилгани туфайли ана шундай юксак самарага эришилди.***

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарнинг ўрнини қоплаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш;

давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги;

мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**9-модда. Давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш**

Давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**10-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши**

Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади.

Хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши усуллари ҳуқуқ бузилишига мутаносиб бўлиши ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

**11-модда. Мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлилик**

Мулкдорларга хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан тенг шароитлар таъминланади.

**12-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги**

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмайди.

**13-модда. Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмаслиги**

Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунга хилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш тақиқланади.

Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишдаги аралашув тақиқланади.

Хусусий мулкка тажовуз қилиш қонунга биноан таъқиб қилинади.

**14-модда. Давлат органлари ва бошқа органлар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни давлат ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши керак. Давлат органлари ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

**15-модда. Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Мулкдор давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, ўз хоҳишига кўра, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят бериш бундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат этганида давлат божи тўлашдан озод қилинади.

**3-боб. Мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

**16-модда. Ундирувни мол-мулкка қаратиш йўли билан мол-мулк олиб қўйилаётганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари**

Мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда, унинг олиб қўйилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

**17-модда. Мулкдорнинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари**

Хусусий мулк бўлган мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади.

Мулкдор хусусий мулк бўлган мол-мулкини национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

**18-модда. Қонунга мувофиқ ўзига тегишли бўлолмайдиган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари**

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўлолмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

**19-модда. Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари**

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра тегишинча туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек турар жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органлари уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномага тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига якка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқишда ҳал этилади.

**20-модда. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олиш**

Мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунга хилоф эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишда давлат органлари мулкдорга кўмаклашиши шарт.

**21-модда. Мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш**

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этилишини талаб қилиши мумкин. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишда давлат органлари мулкдорга кўмаклашиши шарт.

**22-модда. Хусусий мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиши оқибатлари**

Хусусий мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан мол-мулкнинг бозор қиймати давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

**23-модда. Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати қабул қилингандаги кафолатлар**

Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга эмас.

**24-модда. Мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Ушбу Қонун кучга кирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмайди.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатлари**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланади.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасида юзага келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**27-модда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**28-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**29-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 сентябрь
№ ЎРҚ—336

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот, спорт ва хўжалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низоми тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозланишини;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳомийлар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машғулот жараёнига Федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгиласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 сентябрь

# Замонавий ахборот технологиялари

### интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида ахборот-коммуникация соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса, уни тараққий эттиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида келгусида республикамизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган ҳафталик эса юртимиз ахборот-коммуникация тизими ютуқларини кенг намойиш этиш имконини бермоқда. Шунингдек, ҳафталик доирасида соҳани такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор тадбирлар уюштирилиши мўлжаллангани бу нуфузли анжуманга қизиқувчилар сафини кенгайтираяпти.

Бугунги кунда, маълумки, таълим сифати, кўп жиҳатдан, ахборот-коммуникация технологияларига боғлиқ. Шу боис 2008 йилдан буён ҳафталик доирасида “Ахборот технологиялари — ёшларга!” акцияси ташкил этилаётгани бежиз эмас. Галдаги ҳафталикда акция манзили сифатида Тошкент шаҳридаги алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи танланган. Айни шу мақсадда ушбу ўқув масканларининг биттадан синфхонаси “Ucell” компанияси ҳомийлигида замонавий компьютерлар, нусха кўчириш ва чоп этиш ускуналари билан жиҳозланди.

— Ёшлар аҳолининг ахборот технологияларидан фойдаланувчи энг фаол қатлами саналади, — дейди “Ucell” компаниясининг корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи Даврон Азизов. — Мазкур синфхоналарни ташкил этишдан асосий мақсад уларда ахборот-коммуникация технологияларга асосланган таълим муҳитини яратиб, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқаришда яқиндан ёрдам беришдир.

Кеча, шунингдек, пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида АКТ ҳафталигининг энг муҳим тадбирларидан яна бири — “UZ” миллий домени интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “UZINFOCOM” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда “INFOCOM.UZ” журнали томонидан ташкил этилди.

Айтиш жоизки, аҳоли орасида интернетни оммалаштириш, миллий континентни ривожлантириш ва жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилини қўллашга кўмаклашишга қаратилган мана шу фестивалда бу йил ҳам иштирокчилар кўп бўлди. Фестивалда қатнашчилар 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинация бўйича беллашдилар. Бундан ташқари, жорий йилги танлов дастурига ҳар бир мавзу бўйича 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари киритилди. Ниҳоят сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан энг кўп балл тўплаган 10 та сайт ғолиб, деб топилди.

Шу билан бирга, жорий йилги фестивалда аввалгиларидан фарқли ўлароқ, “Оила учун энг яхши сайт” янги махсус номинация ҳам жорий қилинди. Ҳар бир номинация бўйича дастлабки уч ўринни эгаллаган ғолибларга диплом ва мукофотлар топширилди.

Дарҳақиқат, “InfoCom — 2012” — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ана шундай қизғин ва янгиликларга бой тарзда давом этмоқда. Бир ҳафта мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит, давра суҳбатлари ва бошқа акциялар ташкил этилиши мўлжалланаётгани унинг янада самарали ўтишидан далолат беради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи« мухбири.**

## Миннатдорлик

*“Бизнесимни муваффақиятли йўлга қўяман”, деган тадбиркор доимо изланишда бўлиши зарур. Бунда, асосан, бозорни мунтазам кузатиб, талабга яраша таклиф билан чиқиш, маҳсулот сифати, айниқса, унинг рақобатбардошлилигига эътибор қаратиш талаб этилади.*

### «АСАКА» БАНКИ:

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОЛИЯВИЙ МАДАДКОРИ

Корхонамиз фаолият бошлагандан буён ўтган уч йил мобайнида масаланинг мана шу жиҳатларига устуворлик берганимиз туфайли тикаётган костюм-шимларимиз ички бозорда ўз ўрнини топди. Шу билан бирга, иш жараёнида бу соҳада бир жойда тўхтаб туриш, аниқроқ қилиб айтганда, хотиржам бўлиш ярашмаслигини тушуниб етдик. Чунки Наманган вилоятида бизга ўхшаб тикувчилик билан шуғулланаётган корхоналар жуда кўп. Табиийки, улар ўртасидаги рақобат ҳам шунга яраша. Ҳаракатни озгина сусайтирдингизми, орқада қолишингиз, пировардида бозордаги ўрнингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, эски технологик ускуналарни замонавийларига алмаштириш, шу тарзда маҳсулотларимиз рақобатбардошлилигини ошириш орқали бозордаги мавқеимизни янада мустаҳкамлашга қарор қилдик. Ва ўтган йил охирларида хорижнинг замонавий тикув ва бошқа зарур ускуналаридан иборат замонавий технологик линияни ишга туширишни кўзда тутувчи лойиҳани тайёрладик. Унинг молиявий таъминотига ўзимиз мижоз бўлган «Асака» банкининг Наманган вилояти филиали бажонидил бош бўлиб, узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

Маблағ масаласи ҳал бўлгандан кейин ишнинг юриши осон кечар экан. Хориждан келтирилган замонавий технология йилига 12 минг дона костюм-шим ва 25 минг дона шим тикиш қувватига эга бўлиб, машина ва ускуналар компьютер ёрдамида бошқарилади. Бундай техникани ҳаракатга келтириш учун, аввало, зеҳни ўткир, уқувли кадрлар керак. Лойиҳа ижроси жараёнида қўшимча равишда 30 нафар ғайратли йигит-қизни танлов асосида ишга қабул қилдик. Айни кунларда кийимлар андозасини олишдан дазмоллашгача бўлган жараёнларни пишиқ-пухта бажаришнинг уддасидан чиқаётган бу ёшларнинг корхона обрў-эътибори, ўзи тайёрлаётган маҳсулот тақдири учун жон куйдираётганини кўриб, гапнинг рости, тўлқинланиб кетаман.

Дарҳақиқат, бугун киши ҳавас қиладиган тикувчилик фабрикасига эгамиз. Чеварларимиз қўлидан чиқаётган костюм-шимлар импорт ўрнини бемалол босади. Бу, аслида, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига қулай шарт-шароит яратиб берилгани, хусусан, уларни тижорат банклари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани самарасидир.

Бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилиб, бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиш жамоамизнинг шиорига айланган. Шу мақсадда “Асака” банки билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаб, янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқараверамиз.

**Абдулатиф МАҲМУДОВ,**
**«Моҳинур либослари» масъулияти чекланган жамияти директори.**

## Хушхабар

*Куни кеча Анапа шаҳрида “Киношок — 2012” халқаро кинофестивали якунланди.*
*Қувонарлиси, мазкур тадбирда юртимиз киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Паризод” фильми бош мукофот — “Олтин новда”га сазовор бўлди.*

# Ўзбек фильми — бош мукофот совриндори

“Ўзбеккино” миллий агентлиги ахборот хизмати хабарига кўра, “Киношок” фестивалида бош мукофотга Беларусь, Арманистон, Литва, Латвия, Грузия, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Эстония ва Украинадан жами 14 та картина даъвогарлик қилган. Улар орасидан “Паризод” фильмининг энг муносиб, деб топилиши, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўзбек киносини жаҳон кино санъати билан рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқиш, халқимизнинг ўзига хос менталитети, маданияти, ҳаёт тарзини акс эттирувчи миллий картиналар яратиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Эслатиб ўтамиз, “Паризод” фильми “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида, таниқли кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов томонидан “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган. У ёзувчи Эркин Аъзам қаламига мансуб “Фаришта” қиссаси асосида ишланган. Миллий урф-одатларимиз талқин этилган ушбу фильмда бош ролларни Зарина Низомиддинова, Самиддин Лутфуллаев, Бахтиёр Қосимов, Дилором Каримова ва бошқалар ижро этишган.

**Хуршида УБАЙДУЛЛАЕВА.**

# Истиқболли лойиҳалар — тараққиёт мезони



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур лойиҳа тўлиқ рўёбга чиқарилиши билан йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид тайёрлаш имконияти юзага келади. Ҳозир корхона ва “Ўзкимёсаноат” ДАК мутахассислари Япониянинг “Mitsubishi Corporation” компанияси иштирокида лойиҳанинг молиявий моделини ишлаб чиқишмоқда. Поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарувчи янги мажмуани қуриш, калий нитрати, енгил саноат учун зарур бўлган оқартирувчи, мураккаб минерал ўғити ҳамда монохлоридли сирка кислотаси каби кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам ана шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, корхонада мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳудуд иқтисодиётининг изчил ривожланишига, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда. Зеро, иқтисодий тараққиёт мамлакат қудратининг ошиши, аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланишининг мустаҳкам асосидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Бунёдкорлик

*Риштонлик тадбиркор Ҳалимбой Тешабоев саъй-ҳаракати билан туман марказида “Ёшлар маркази” қад ростлади.*

# Риштонда «Ёшлар маркази»

Ҳудуд ёшларининг севимли масканига айланган ушбу замонавий кошонани барпо этишга 560 миллион сўм сарфланди.

Ҳозир бу ерда еттита тўгарак фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда ёшлар турли касб кўникмаларига эга бўлишмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

*2012 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар сотувга қўйилганлигини маълум қилади.*

**1.** Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 августдаги №14-01215/9329 сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳри бўлими томонидан савдога қўйилган «Самарқанд улгуржи савдо инвест» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 116-уйда жойлашган бино ва иншоотлар, умумий ер майдони — 21905,76 кв.м., қурилиш ости майдони — 10871,10 кв.м., фойдаланилаётган майдони — 11096,75 кв.м., жами 201 хонадан иборат.

***Бошланғич баҳоси — 3 125 000 000 сўм.***

**2.** Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги №14-1215/4177-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган «SUGDIYONA GOLDEN TOUR» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 48-уйда жойлашган бино, умумий ер майдони — 470,46 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 1 260 000 000 сўм.***

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

*Лицензия: 0038.*

Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.

1598R/477

СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР***: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси

қишлоқ врачлик пунктлари учун ҳаётий зарур дори-дармон воситалари ва реактивларни марказлашган ҳолда харид қилиш мақсадида улгуржи дори-дармон сотувчи корхона ҳамда ташкилотлар ўртасида 2012 йил 25 октябргача танлов савдолари эълон қилади.

**Банк реквизитлари:**
Молия вазирлигининг ғазначилик умумий ҳисоб рақами: 23402000300100001010,
Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси,
МФО: 00014, СТИР: 201122919,
ш/в: 400121860184017950100054015.
(Тендер ҳужжатларини олиш ва гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун):
ш/в: 100021860184017072130054002
(Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун)
СТИР: 201213685, ОКОНХ: 97400.

**Қўшимча маълумотлар учун Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-366) 235-74-80, 235-61-88, 233-35-56.**

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, 3-қават.

1563R/1079

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

03R/97

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

шунингдек:

Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича

КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)

Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

1260R/961

Tsh 64-20438253-01: 2011

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: ООО «TAYFUN PLASTIK»

ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные



Ф/О — безналичный расчет

ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:

КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах для производства полипропиленовых мешков,

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

291R/161

«AGTECH AGRI» ШЎЪБА КОРХОНАСИ



Тошкент шаҳридаги омборхонадан Англияда ишлаб чиқарилган JCB компаниясининг

экскаваторлари ҳамда юкловчи экскаватор

техникаларини таклиф этади.



*Шунингдек, Жон Дир компаниясининг турли хилдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилади.*

Техникаларнинг кафолат муддати бир йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Хизматлар лицензияга эга.

Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 3/75. Тел.: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29. E-mail: info@agtec.eu www.agtech-agri.uz

1546R/1082

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

*— Абдували муаллимнинг бошқаларга ўхшамайдиган, ёш ҳамкасбларига ибрат бўладиган, ўзига хос бир одати бор, — дейди Асака туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Ҳилола Отаева. — У ҳар бир ўқувчининг ютуғидан қувониб яшайди. Айтайлик, мактабни битириб кетган собиқ ўқувчисининг муваффақиятини эшитса ҳам яйраб кетади.*

# Эзгу мақсад — фарзандлар камоли

Ҳилола Отаева ўз бахтини шогирдлари камолида, иқболида кўраётган Абдували Қурбоновга ўхшаган яна кўплаб муаллимларнинг номини тилга олади: Барнохон Аҳмаджонова мумтоз адабиётимиз намуналарини, айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ғазалларини шу қадар берилиб ўқийдики, бутун синф бир вужудга айланади, гўё. Информатика муаллими Насиба Нишонова болаларни компьютер оламига етаклайди. Унинг беқиёс имкониятлари хусусида завқ-шавқ билан гапиришдан чарчамайди. Замонавий касбларни эгалламоқчи бўлсангиз, компьютер билан “тиллашишни” ўрганинг, интернетдан фойдалана билинг, дейди у шогирдлари юрагига чўғ ташлаб.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Бошланғич синфлардан тортиб битирувчи синф ўқувчиларигача яна бир фидойи ўқитувчи Гўзалхон Мирзақуловани холи қолдирмай, дегунча саволларга кўмиб ташлашади: “Фан олимпиадалари синовида қатнашсам бўладими? Етук мутахассис бўлиш учун нечта тилни ўрганиш керак? Дарсдан кейинги машғулотларингизга мени ҳам оласизми?..”

Хуллас, ўқувчиларнинг илмга ташналикларини кўриб, кўнглинг таскин топади. Айниқса, қишлоқ ёшлари таълим олаётган зиё маскани ва у ерда яратилган шароитлар кайфиятингни янада кўтаради.

— Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида қишлоғимиздаги эски мактаб ўрнида 420 ўқувчига мўлжалланган, замонавий таълим маскани барпо этилди, — дейди Ҳилола Отаева. — Қаранг, мактабимиз туманимизнинг чекка қишлоғида бўлишига қарамай, вилоятимиз маркази, шаҳарларда жойлашган таълим даргоҳларидан асло қолишмайди.

Дарҳақиқат, мактаб вилоятдаги энг пешқадам ўқув даргоҳларидан бирига айланган. Ўқувчиларнинг аксарияти турли фанлар бўйича вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашаяпти. 280 нафар ўқувчи-ёшларнинг аксарияти ўқув самарадорлиги бўйича юқори ўринда эканлиги қувончли ҳолдир.

Андижонда 5-мактабга ўхшаш таълимда сифат ва самарадорлик йилдан-йилга яхшиланиб бораётган мактаблар 739 тани ташкил этади. Кейинги йилларда 648 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Унинг ўндан ортиғи янги қурилди. Ўтган йилнинг ўзида 19 та, жумладан, 4 та спорт иншооти, битта 5-ТИП болалар спорт мажмуаси, 7 та мусиқа ва санъат мактаби бинолари янгитдан барпо этилди ҳамда реконструкция қилинди. Бу каби юмушлар учун давлат бюджетидан 25 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари, мактабларнинг 532 таси кимё-лаборатория, 547 таси физика фанларидан замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, 400 таси компьютер синф жамланмалари билан таъминланди.

— Мактабларимиз кўркам қиёфа касб этиб, биз, ўқитувчилар ва мураббийлар қадри улуғланаётган юртда яшаш катта бахт, — дейди Ҳ. Отаева тўлқинланиб. — Шундай экан, ҳар биримиз бурчимиз масъулиятини теран ҳис қилиб ишласак, интилсак, айни муддаодир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тошкент — жаҳон кубоги мезбони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

шу асосда шаҳару қишлоқларда бири-биридан кўркам, мустаҳкам моддий-техник базага эга спорт иншоотлари барпо этилаётгани муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, мавжуд шароит ва имкониятлар туфайли мамлакатимизда дзюдо ҳам тобора оммалашиб бораяпти. Бугунги кунда турли ёшдаги 15 мингдан зиёд ёшларнинг мазкур спорт тури билан шуғулланаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Уларга 350 нафардан кўпроқ малакали мураббий сабоқ бермоқда. Юртдошларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган кўплаб истеъдодларнинг етишиб чиқаётгани эса янада қувонарлидир. Жумладан, тажрибали дзюдочимиз Ришод Собиров Олимпиада ўйинларининг икки карра совриндори бўлди. Жаҳон чемпионатларида ғолиб чиқиб, икки бор дунёнинг “Энг яхши дзюдочиси” дея эътироф этилди. Шунингдек, у беш марта жаҳон кубоги, “Гран-при” ва “Катта Дубулға” туркумига кирувчи мусобақаларда олтин медаллар билан тақдирланди. Бундан ташқари, Дилшод Чориев, Наврўз Жўрақобилов, Рамзиддин Саидов, Яҳё Имомов, Мирали Шарипов каби полвонларимиз ҳам мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқдалар. Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XIV Паралимпиада ўйинларининг дзюдо беллашувларида ҳамюртимиз Шариф Халиловнинг кумуш медални қўлга киритгани спортимиз тарихидаги яна бир муҳим воқеа бўлди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Маълумки, Халқаро дзюдо федерацияси Жаҳон кубогидек нуфузли мусобақани ўтказадиган мезбон давлатни аниқлашда, аввало, у ердаги шарт-шароит ва ушбу спорт турига қаратилаётган эътиборни инобатга олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ана шу мезонларга тўла мос келади, дея эътироф этилди. Қолаверса, бунгача ҳам Тошкентда икки бор Жаҳон кубоги зўр муваффақият билан ташкил этилгани мамлакатимизнинг энг нуфузли спорт мусобақаларини ўтказиш борасидаги салоҳиятини яққол кўрсатиб берганди.

Бу галги мусобақада юртимиз шарафини, асосан, ёш дзюдочилар ҳимоя қилди. Сабаби, шу кунларда терма жамоамизнинг асосий таркиби октябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтадиган “Гран-при” туркумига кирувчи мусобақа ҳамда Бразилия давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда. Шунга қарамай, мураббийлар томонидан ишонч билдирилган ёш полвонлар дадил хатти-ҳаракатлари билан мухлису мутахассислар эътиборини қозондилар. Жумладан, маҳоратли полвонимиз Мирали Шарипов олтин медалга сазовор бўлди. Диёрбек Ўрозбоев, Ҳамиджон Мўминов, Арсен Бабаян, Ўткир Қурбонов ва Виктория Оздоева фақат финалдагина рақибларига имкониятни бой бериб қўйдилар. Ҳамюртларимиздан Авазбек Қўрғонов, Улуғбек Норқобилов, Шуҳратжон Арсланов, Эркин Дониёров, Сойиб Қурбонов, Фахриддин Шарипов, Болтабой Болтаев, Одилжон Тулендибоев, Нодира Гулова, Дилдора Убайдуллаева ва Шоҳиста Сафарова эса кучли учликдан жой олди.

Жаҳон кубогида энг кўп — бешта олтин медални Япониядан келган дзюдочилар қўлга киритдилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дарё қирғоғидаги кошона

*Китоб туманида 300 ўринли “Соҳил” маросимлар уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

## Қулайлик

Оқсув дарёси қирғоғида қад ростлаган ушбу муҳташам кошона қурилиши учун тадбиркор Қаҳрамон Холиқов томонидан 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Эътиборлиси, туман маркази кўркига кўрк қўшган ушбу маданий хизмат кўрсатиш масканида ўндан ортиқ иш ўрни яратилиб, тўй маросимларини ихчам ва тартибли ўтказиш учун барча қулайлик яратилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 майдаги 17-1203/4749-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 4-уй манзилидаги, «Янги бозор деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, фойдали майдони — 1139,78 кв.м., қурилиш ости майдони — 380,68 кв.м., бўлган А, А1, А2, А3-литердаги техник савдо маркази бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**2.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 апрелдаги 17-1209/2035-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчасида жойлашган, фойдали майдони — 478,40 кв.м., қурилиш ости майдони — 144 кв.м. бўлган 3 қаватли қурилиши тугалланмаган савдо дўкони биноси ертўласи билан қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 228 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 30 октябрь куни соат 18.00. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогарбанки»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Тел.: (8-374) 224-48-53. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1602R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 7 августдаги 19-1206/7658-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 93-уйда жойлашган, «Техсервис-таъминот» МЧЖга тегишли, ер майдони — 1723,66 кв.м., 1965 — 1982 йилларда қурилган, маъмурий бино ва омборхона қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 183 600 000 сўм.***

**II. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 июндаги 19-1206/5662-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Гулистон кўчаси, 22-уйда жойлашган, «Гулистон баракат Денов» фермер хўжалигига тегишли, ер майдони — 3919,0 кв.м., 1 ва 3 қаватдан иборат Гулистон номли кинотеатр биноси (А литердаги фойе, Б литердаги зал, В литердаги кино қўйиш хонаси, Г литердаги ҳожатхона, Д литердаги қозонхона, Ж литердаги бостирма ва З литердаги бетон майдони) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 153 000 сўм.***

**2.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 18 апрелдаги 1-779-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Ш. Қобилов номли ш/х Элобод маҳалласида жойлашган, ер майдони — 210,0 кв.м., савдо ва автотеххизмат шохобчаси ҳамда умумий овқатланиш ва маиший хизмат шохобчаси бинолари (А литердаги савдо дўкони, Б литердаги ертўла ва маиший хизмат, В литердаги ошхона ва теххизмат) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 62 163 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аризалар қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 26 октябрь куни соат 18.00.

**III. Шунингдек, аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 майдаги 19-1203/3881-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Истиқлол маҳалласида жойлашган, «Нуриддин Шарапов» ХКга тегишли, фойдали майдони — 434,46 кв.м., жами 12 та хонадан иборат, 2 қаватли, 2005 йилда қурилган А литердаги Истиқлол маҳалла гузари биноси арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 56 250 000 сўм.***

**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 февралдаги 19-1208/843-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласи марказий бозори ҳудудида жойлашган, «Ҳикмат ёғдуси» ХКга тегишли, фойдали майдони — 261,45 кв.м., 8 та хонадан иборат, 1 қаватли, 1994 йилда қурилган А литердаги савдо дўкони биноси арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 33 750 000 сўм.***

**3.** ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, М. Қорабоев маҳалласи, Ҳ. Олимжон кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда жойлашган, майдони — 512,30 кв.м., 1 қаватли, 1971 йилда қурилган А, А1, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З литерлардаги уй-жой ва қўшимча бинолари билан арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 13 570 222 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов маҳалласида жойлашган, майдони — 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган уй-жой) арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 437 153 919 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2009 йил 9 декабрдаги 2-144-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 26-уй, 48-хонадонда жойлашган, умумий майдони — 68,7 кв.м., 2000 йилда қурилган, 3 хонадан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 20 462 400 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 16 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАТБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вил., Термиз ш., Ф.Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел.: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1603R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

*ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

**«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси**

**республикамиздаги электр энергияси истеъмолчиларига 2012 йилнинг 1 октябридан бошлаб электр энергияси учун қуйидаги янги тарифлар жорий этилганлигини маълум қилади.**

***Электр энергияси***
***ТАРИФЛАРИ***
***2012 йил 1 октябрдан амал қилади***
***Истеъмолчилар гуруҳлари ва тарифлар турлари***

| Гуруҳ | Номи | Нархи |
|---|---|---|
| I гуруҳ | Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати — 750 кВА ва ундан юқори икки ставкали тариф: | 171 800 сўм |
| | Бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов — 1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов | 81 сўм 90 тийин |
| II гуруҳ | Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА гача бир ставкали тариф — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| III гуруҳ | Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштириладиган насос станциялари — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| IV гуруҳ | Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортқи) — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| V гуруҳ | Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчаларини ёритиш — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| VI гуруҳ | Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари — 1 кВт соат учун | 106 сўм 50 тийин |
| VII гуруҳ | Аҳоли, аҳоли пунктлари — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| | Электр плиталар билан жиҳозланган тураржойлар аҳолиси — 1 кВт соат учун | 52 сўм 20 тийин |
| VIII гуруҳ | Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совитиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |
| IX гуруҳ | Реклама ва иллюминация — 1 кВт соат учун | 110 сўм 00 тийин |
| X гуруҳ | Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига — 1 кВт соат учун | 104 сўм 40 тийин |

***Эслатма:***
**1.** Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.
**2.** Ушбу реестр кучга кириши билан 2012 йил 15 мартдаги 19-03-22-05-ЎзР-11-2012 сонли реестр ўз кучини йўқотади.

1600А/1121


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Маҳмуд Тоировга онаси

**РАФИҚА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“O`zbekiston iqtisodiy axborotnomasi” — “Экономический вестник Узбекистана” журнали таҳририяти жамоаси журнал бўлим муҳаррири Саодат Гаиповага акаси

**Қодиржон ГАИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.**
**Навбатчи — М. Холматова.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5